

**“Агробанк” АТБ**  
Кенгаши йиғилишининг  
2015 йил «08» январдаги  
1/2-сонли қарорига илова

**Ички аудит департаментининг  
НИЗОМИ**

**ТОШКЕНТ-2015**

## **1. Умумий қоидалар**

1.Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” ҳамда “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 20 апрелда 992-1-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом ҳамда банкнинг Уставига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, у Ички аудит департаментининг (барча кейинги ўринларда “Департамент”) вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда жавобгарлигини белгилаб беради.

2.Департамент ўз фаолиятини ушбу ҳужжат талаблари асосида амалга оширади.

3.Департамент банкнинг мустақил таркибий тузилмаси ҳисобланиб, бевосита банк Кенгаши ва унинг Аудиторлик қўмитасига бўйсунди.

4.Департаментни банк Кенгашининг қарори билан тайинладиган (шунингдек, лавозимидан озод қилинадиган) Департамент бошлиғи мақомига эга бўлган Бош аудитор бошқаради.

5.Ички аудит хизмати ходимлари департамент бошлиғининг тақдимномасига кўра Аудиторлик қўмитаси қарори билан тасдиқланади.

6.Банкнинг ҳудудий бошқармаларидаги Ички аудит бўлинмалари ходимлари бевосита Ички аудит департаменти бошлиғига бўйсунди.

7.Аудит хизматининг йиллик харажатлар сметаси департамент бошлиғи томонидан ишлаб чиқилиб, банк Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади. Банк Кенгаши Аудит хизмати харажатлар сметасига истисноли ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, банк Кенгашининг қарорига кўра Аудит хизмати ходимларини қўшимча моддий рағбатлантирилиши мумкин.

## **2. Таркибий тузилмаси**

8.Департамент таркибига қуйидаги тузилмалар киради:

а)Филиаллар аудити бошқармаси, унинг таркиби:

1)Аудит натижалари таҳлили бўлими;

2)14 та ҳудудий ички аудит бўлинмаларидан иборат.

б)Масофавий аудит ва мониторинг бошқармаси, унинг таркиби:

1)Молиявий ҳисоботлар таҳлили бўлими;

2)Аудитни режалаштириш ва мониторинги бўлимидан иборат.

## **3. Департаментнинг вазифа ва функциялари**

9.Банк аудит хизматининг мақсади ички назорат мониторингини амалга ошириш ва банк раҳбариятига банк фаолиятининг назорати ҳамда натижалари бўйича объектив таҳлил, баҳо, тавсиялар ва маълумотлар

тақдим этиш орқали банкнинг самарали фаолият юритишини таъминлашда банк Бошқаруви органларига кўмаклашишдан иборат.

10. Департаментга куйидаги вазифалар юклатилади:

а) ўтказилган ички аудит текшируви натижаларига асосланган банкнинг реал ҳолати ва ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисидаги ишончли ҳамда мустақил ахборот билан банк Кенгашини таъминлаш (чорак ҳисоботларини тақдим этиш орқали);

б) ички назорат тизимининг самарадорлиги ва монандлиги ҳамда ички аудитни ўтказиш бўйича қабул қилинган жараёнларнинг амалийлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

в) банк фаолияти олдига қўйилган мақсадга эришишда маъмурий ва операцион жараёнларнинг самарадорлигини кузатиш;

г) таваккалчиликларни бошқариш жараёнлари ва таваккалчиликларни баҳолаш услубиётининг самарадорлиги ҳамда қўлланилишини кузатиш;

д) молиявий ахборот тизимини, шунингдек электрон ахборот тизими ва электрон банк хизматини кузатиш;

е) бухгалтерия ҳисобварақлари ва молиявий ҳисоботларнинг саранжом-саришталиги аниқлиги ҳамда ишончлилигини кузатиш;

ё) банкнинг капитал таваккалчилигини баҳолаш билан боғлиқ капитални баҳолаш тизимини кузатиш;

ж) банк Кенгаши талабларига биноан махсус текширишларни ўтказиш ёки ўтказишда амалий ёрдам бериш.

11. Департамент куйидаги функцияларни бажаради:

а) банк раҳбарияти билан биргаликда фаолият юритиш;

б) банк ходимлари ўз вазифаларини самарали бажаришларида ёрдам бериш;

в) молиявий ҳисоботни жорий аудиторлик текширувидан ўтказиш;

г) операциялар ёки дастурларнинг натижалари уларнинг олдига қўйилган мақсад ва вазифаларга мос келиши ҳамда режалаштирилганидек бажарилишини аниқлаш мақсадида уларни текшириш;

д) банк фаолиятини ташқи аудитга тайёрлаш;

е) маълумотларни алмашиш орқали ташқи аудиторларга ёрдам бериш ва уларнинг ишида кўмаклашиш;

ё) ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш, амалдаги ички меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш борасида банк Бошқарувига таклифлар киритиш;

ж) малака ошириш ва тажриба алмашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ҳамда бошқа ташкилотларнинг ўхшаш хизматлари билан ҳамкорлик қилиш;

з) текшириш материалларини умумлаштириш ва текшириш натижалари тўғрисидаги маълумотларни Аудиторлик кўмитаси ҳамда банк раҳбариятига тақдим этиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун чора кўриш тўғрисида таклифлар бериш.

#### **4. Мажбуриятлари**

12. Департамент зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:

а) банк Кенгаши томонидан тасдиқланган режа асосида ички аудит текширувларини ўтказиш ҳамда ҳар чоракда Аудит хизмати фаолияти натижалари ва ўтказилган текширувлар тўғрисида банк Кенгаши ҳамда Аудиторлик қўмитасига ҳисобот бериб бориш;

б) аудит текширув вақтида капиталнинг етарлилик даражасини баҳолаш, активларнинг таснифланиши, таваккалчиликни бошқаришни ва ликвидлиликни баҳолаш, ўтказилган банк операцияларини бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий ҳисоботда ўз вақтида, тўлиқ ва аниқ акс эттирилишини баҳолаш каби масалаларни ёритиш;

в) текширув якунлари бўйича аудит ҳисоботини тайёрлаш, унда камида аудит мақсади ва объектларини, ички аудит қўламини, аниқланган муаммо ҳамда камчиликлар, шунингдек ҳар бир муаммоли соҳа юзасидан аниқ тавсияларни кўрсатиш;

г) тавсияларда аниқланган муаммоларнинг қисқача изоҳи, уларни бартараф қилишга доир талаб этиладиган чора-тадбирлар ва ушбу чора-тадбирларни амалга оширишга шахсан жавобгар бўлган шахслар ҳамда чора-тадбирларни бажариш муддатларини акс эттириш;

д) банкнинг даврий молиявий ҳисоботлари ва ҳолатини таҳлил қилган ҳолда банк раҳбариятига банкнинг молиявий ҳолатини яхшилаш ҳамда назорат тизимини янада оптималлаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

е) ўтказилган ички аудит текширувларида аниқланган камчиликларни тўлиқ бартараф этилиши бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар дастурининг бажарилиши, шунингдек келгусида уларнинг такрорланишини олдини олиш мақсадида амалга оширилган ишларнинг мониторинг қилинишини таъминлаш;

ё) Марказий банкка банк Кенгаши томонидан тасдиқланган чораклик ички аудит ҳисоботлари нусхаларини тақдим этиш;

ж) ички аудит текширувлари давомида аниқланган, банкка қасддан зиён етказиш, маблағларни ўзлаштириш ва бошқа жиноий ҳолатлар юзасидан зудлик билан банк раҳбариятини огоҳ қилиш ҳамда банкнинг тегишли таркибий тузилмалари билан биргаликда маблағларни тиклаш чораларини кўриш;

з) Департаментнинг йиллик харажатлар сметасини ишлаб чиқиш ва уни банк Кенгаши тасдиғига киритиш;

и) аудит текшируви ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатларнинг сақланиши, уларнинг расмийлаштирилиши ҳамда ўрнатилган тартибда архивга топширилишини таъминлаш.

13. Филиаллар аудити бошқармасининг мажбуриятлари:

а) банк Кенгаши томонидан тасдиқланган режа асосида банк филиалларида ички аудит текширувларини ўтказиш;

б) аудит текшируви вақтида капиталнинг етарлилик даражасини баҳолаш, активларнинг таснифланиши, таваккалчиликни бошқаришни ва ликвидлиликни баҳолаш, ўтказилган банк операцияларининг бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий ҳисоботда ўз вақтида, тўлиқ ва аниқ акс эттирилишини баҳолаш каби масалаларни ёритиш;

в) ички аудит текширувлари давомида аниқланган банкка қасддан зиён етказиш, маблағларни ўзлаштириш ва бошқа жиноий ҳолатлар юзасидан зудлик билан банк раҳбариятини огоҳ қилиш ҳамда банкнинг тегишли таркибий тузилмалари билан биргаликда маблағларни тиклаш чораларини кўриш;

г) текширув якунлари бўйича аудит ҳисоботини тайёрлаш, унда камида аудит мақсади ва объектларини, ички аудит кўламини, аниқланган муаммо ҳамда камчиликлар, шунингдек ҳар бир муаммоли соҳа бўйича аниқ тавсияларни кўрсатиш;

д) тавсияларда аниқланган муаммоларнинг қисқача изоҳи, уларни бартараф қилишга доир талаб этиладиган чора-тадбирлар ва ушбу чора-тадбирларни амалга оширишга шахсан жавобгар бўлган шахслар ҳамда чора-тадбирларни бажариш муддатларини акс эттириш;

е) ҳар бир филиал бўйича тайёрланган аудит ҳисоботларини таҳлил қилган ҳолда вилоят бошқармаси бўйича умумлашган аудит хулосаси ва камчиликларни бартараф этиш дастурини тайёрлаш ҳамда банк раҳбариятига тақдим этиш;

ё) ҳудудий бошқармаларда ташкил этилган Ички аудит бўлинмалари ходимлари томонидан бошқарма тасарруфидаги филиалларда жорий текширувларни, жумладан ҳар чоракда мижозлар, хусусан аҳолидан қабул қилинган пулларнинг мавжудлиги ҳамда уларнинг омонат дафтарчаларида (сертификатлари) кўрсатилган суммалар билан мослигини, шунингдек активлар сифати ва уларнинг таснифланиш ҳолати, бухгалтерия ҳисоби ҳамда эмиссия-касса ишларининг тўғри ташкил этилиши, пластик карталар орқали амалга оширилаётган тўловларнинг амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқлиги, валюта операцияларининг қонунийлиги, пул муомаласи ишларини ташкил этилиши ва бошқа масалаларни ўрганиб борилишини (йиллик аудит текширувидан ташқари) ташкил этиш ҳамда улар бўйича маълумотларни умумлаштириш;

ж) ҳудудий бошқармалар таркибида ташкил этилган ички аудит бўлинмаларидан филиаллар молиявий ҳисоботлари таҳлили бўйича олинган маълумотларни жамлаш ҳамда умумлаштириш учун Масофавий аудит ва мониторинг бошқармасига тақдим этиш;

з) банк Кенгаши ва Аудиторлик қўмитаси, шунингдек департамент бошлиғининг топшириғига кўра юзага келган масала ёки муаммоларни ўрганиш юзасидан ҳужжатли текширувларни ўтказиш;

и) текширувларни имкон қадар автоматлаштириш, турли участка ёки операцияларни дастурий йўл билан аудит текширувидан ўтказиш мақсадида банкнинг автоматлаштириш бўйича таркибий тузилмасига ҳамда NCI

дастури таъминотчисига дастурлар ишлаб чиқиш учун техник-топшириқларни тақдим этиш;

й)ўз йўналиши бўйича банк Кенгаши ва Аудиторлик кўмитасига, шунингдек банк Бошқаруви йиғилишларига материалларни тайёрлаш ҳамда Департамент бошлиғига тақдим этиш;

к)Департаментнинг ҳамда банкнинг бошқа таркибий тузилмалари билан биргаликда ҳудудий бошқармаларда ташкил этилган ички аудит бўлинма ходимларига семинарлар ташкил этиш;

л)аудит текшируви ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатларнинг сақланиши, уларнинг расмийлаштирилиши ҳамда ўрнатилган тартибда архивга топширилишини таъминлаш.

14.Масофавий аудит ва мониторинг бошқармасининг мажбуриятлари:

а)жорий йил учун ички аудит текширувлар режасини, департаментнинг йиллик харажатлар сметасини ишлаб чиқиш ва уни банк Кенгашига тасдиғига киритиш мақсадида Департамент бошлиғига тақдим этиш;

б)ўтказилган ички аудит текширувларида аниқланган камчиликларнинг тўлиқ бартараф этилиши бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар дастурининг бажарилишини таъминлаш, шунингдек келгусида мазкур камчиликларнинг такрорланишини олдини олиш мақсадида вилоят бошқармалари таркибида ташкил этилган ички аудит бўлинмалари ҳамда Марказий аппаратнинг масъул таркибий тузилмалари (хусусан, Ички ва Якуний назорат бошқармалари) билан биргаликда мониторинг ишларини ўтказиш;

в)банкнинг даврий молиявий ҳисоботлари ва ҳолатини таҳлил қилган ҳолда, банк раҳбариятига молиявий ҳолат бўйича умумлашган маълумот, шунингдек филиаллар молиявий ҳолатини яхшилаш ҳамда банкда ички назорат тизимини янада оптималлаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

г)Филиаллар аудити бошқармаси ходимлари билан биргаликда ҳудудий филиалларда йиллик аудит текширувларини ўтказишда қатнашиш;

д)банк Кенгаши ва Аудиторлик кўмитаси, шунингдек департамент бошлиғининг топшириғига кўра юзага келган масала ёки муаммоларни ўрганиш бўйича ҳужжатли текширувларни ўтказиш;

е)банкнинг молиявий ҳисоботлари ҳамда турли операцияларининг автоматлашган таҳлилининг йўлга қўйиш мақсадида банкнинг автоматлаштириш бўйича таркибий тузилмасига ҳамда NCI дастури таъминотчисига дастурлар ишлаб чиқиш учун техник-топшириқларни тақдим этиш;

ё)ҳудудий филиаллар бўйича амалга оширилган молиявий таҳлил натижалари ҳамда аниқланган камчиликлар бўйича маълумотларни Филиаллар аудити бошқармасига йиллик ички аудит текширувида фойдаланиши учун тақдим этиш;

ж)Марказий банкка банк Кенгаши томонидан тасдиқланган ички аудит ҳисоботлари нусхаларини ҳар чоракда тақдим этиш;

з)ўз йўналиши бўйича банк Кенгаши ва Аудиторлик қўмитасига, шунингдек банк Бошқаруви йиғилишларига материалларни тайёрлаш ҳамда Департамент бошлиғига тақдим этиш;

и)Департамент ҳамда банкнинг бошқа таркибий тузилмалари билан биргаликда ҳудудий бошқармаларда ташкил этилган ички аудит бўлинма ходимларига семинарлар ташкил этиш;

й) фаолияти давомидаги ҳужжатлар, тайёрланган ҳисоботларнинг сақланиши, уларнинг ўрнатилган тартибда архивга топширилишини таъминлаш.

## **5. Ҳуқуқлари**

15.Департаментнинг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

а)банк раҳбарияти ва ходимларидан банк фаолиятига оид барча зарур ҳужжатлар ёки аудит предмети ҳисобланган ҳужжатларни талаб қилиш;

б)ички аудиторлик текширувларини ўтказиш жараёнида туғилган саволлар бўйича банк ходимларидан тушунтиришлар олиш;

в)зарур ҳужжатлардан нусхалар олиш, зарур ҳолларда белгиланган тартибда (келгусида сақланиши гумон бўлган) ҳужжатларнинг асл нусхаларини олиш;

г)банкнинг молиявий ҳисоботларини таҳлил қилиш мақсадида Марказий аппаратнинг таркибий тузилмаларидан керакли маълумотлар ва тушунтиришларни талаб қилиб олиш;

д)текшириш ўтказиш мақсадида банкнинг барча биноларига, шунингдек электрон ва қоғоз архивларига кириш;

е)аудиторлик текшируви ўтказилганидан сўнг текшириш жараёнида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш;

ё)Департамент ваколати доирасидаги масалалар муҳокамасида, Акциядорларнинг умумий йиғилишларида, банк Кенгаши, Аудиторлик қўмитаси, банк Бошқаруви томонидан ўтказиладиган йиғилиш ва мажлисларда иштирок этиш;

ж)ички аудитни ўтказиш масалалари юзасидан йиғилиш ва семинарларни ўтказиш;

з)Департамент ходимлари учун санитария-гигиена меъёрлари талабларига жавоб берувчи, керакли ҳисоблаш ва техник воситалар билан жиҳозланган иш жойлари яратиб берилишини талаб қилиш.

## **6. Жавобгарлиги**

16.Департамент ходимлари қуйидагилар учун жавобгар ҳисобланади:

а)аудит текшируви натижаларини бузиб кўрсатиш;

б)қонун ҳужжатларига мувофиқ банк сирини ташкил этувчи ҳар қандай маълумотларнинг махфийлигини таъминламаслик;

в)банкнинг тегишли бўлинмаларидан ўрнатилган тартибда олинган ҳужжатлар бутлигини таъминламаслик ва қайтармаслик.

17. Департамент ходимлари амалдаги қонунчилик ҳамда ички аудиторлар жавобгарлигини белгиловчи банкнинг ички низомларига биноан жавобгар бўладилар.

### **7. Аудит хизмати ходимларига қўйиладиган талаблар**

18. Аудит хизмати ходимлари (аудиторлар) қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:

а) бажараётган вазифалари характериға мос бўлган олий маълумотға эға бўлишлари;

б) банкнинг пул муомаласи, кредит, валюта, депозит операциялари ёки бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлимларида камида уч йил иш стажига эға бўлишлари;

в) Бош аудитор банкнинг юқоридаги бўлимлар раҳбарлиги лавозимида камида уч йил ёки ички аудит хизматида камида икки йил иш стажига эға бўлиши;

г) банк қонунчилиги соҳасида билимларға эға бўлишлари, шу жумладан Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларини билишлари;

д) республикада белгиланган бухгалтерия ҳисоби ҳамда умумқабул қилинган бухгалтерия ҳисоби ва аудит халқаро стандартлари қоидаларини қўллаш бўйича билимларға эға бўлишлари, шунингдек халқаро стандартлардаги ўзгаришларға мувофиқ махсус курсларда мунтазам ўқишлари;

е) Марказий банк томонидан ташкил этилган аттестациясидан ўтиши.

19. Аудит хизмати ходимларининг касбий кўникмалари уларни мунтазам ва узлуксиз ўқитиб бориш орқали оширилиши лозим. Банк соҳасини компьютерлаштириш шароитида, ходимлар аудит ўтказиш учун зарурий билим ва кўникмаларни олиш имкониятиға эға бўлишлари шарт.

### **8. Банкнинг бошқа таркибий тузилмалари билан ўзаро алоқалари**

20. Банкнинг бошқа таркибий тузилмалари билан ўзаро алоқалари қуйидагилардан иборат:

а) департамент фаолиятиға оид ҳамда ички аудит текшируви ўтказиш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

б) банкнинг молиявий ҳисоботларини тахлил қилиш мақсадида, Марказий аппаратнинг таркибий тузилмаларидан керакли маълумотлар ва ҳисоботларни олиш;

в) ҳудудий филиалларда ўтказилган текширувлар бўйича ҳисоботлар нусхаларини банк Бошқаруви ва банкнинг алоҳида таркибий тузилмалари бошлиқларига тақдим этиш (бевосита ушбу бўлинмага тегишли қисми бўйича);



г)назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширув натижалари бўйича расмийлаштирилган материалларни Марказий аппаратнинг таркибий тузилмалари ҳамда ҳудудий филиаллардан олиш;

д)ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва қонунийлиги масаласи бўйича банкнинг Юридик хизматидан ҳуқуқий ҳулосалар, маслаҳатлар ва бошқа маълумотларни олиш;

е)банк фаолияти бўйича ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш юзасидан тегишли бўлинмалар билан ҳамкорлик қилиш.

### **9.Якуний қоидалар**

21.Мазкур Низомга департаментнинг ҳудудий бошқармалари таркибидаги Ички аудит бўлинмалари тўғрисидаги низом илова қилинади.

22.Мазкур Низом тасдиқланиши билан банк Кенгашининг 2011 йил 30 августдаги 16/2-сонли қарори билан тасдиқланган “Ички аудит департаментининг Низоми” ўз кучини йўқотади.